

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ ХАСАНБОЙ ОРИБЖОНОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА
ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Қодиров Хасанбой Орибжонович

Олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларни
ривожлантириш..... 3

Қодиров Хасанбой Орибжонович

Развитие лидерских качеств у студентов высших учебных заведений... 23

Kodirov Hasanboy Oribjonovich

Development of leadership skills among students of higher educational
institutions 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКАУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ ХАСАНБОЙ ОРИБЖОНОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИДА
ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped1157 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси – www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали –www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи таъкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 24 XII соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14.52 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил "13" XII да тарқатилди.
(2021 йил "13" XII да 48 рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Т.Исанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.в., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг илғор олий таълим муассасаларида талабаларининг лидерлик сифатларини шакллантириш ҳамда уларнинг инновацион, креатив, касбий ва шахсий сифатларини ривожлантириш таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Жумладан, талабаларнинг лидерлик сифатини ривожлантиришда рақамли иқтисодиёт талабларига мос, касбий компетентлиги юқори, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделларини оптималлаштирган ҳолда таълим мазмунининг инновацион ёндашувлар асосида амалга оширилиши бўлажак ўқитувчиларда лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолардан бирига айланган.

Жаҳондаги нуфузли илмий муассасаларда талабаларнинг лидерлик сифатларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, талабаларда лидерлик типларини аниқлаш, лидерлик сифатларини ривожлантириш компетенцияларининг такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бўлажак кадрларни касбий потенциални ривожлантирувчи педагогик-психологик имкониятларни кенгайтириш, талабаларда лидерлик сифатларини лойиҳалаштириш бўйича изланишлар олий таълим муассасалари тараққиётини белгиловчи муҳим вазифага айланган.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда талабаларнинг лидерлик сифатларига касбий фаолиятнинг ажралмас қисми сифатида қараш, лидерлик сифатларини ривожлантириш моделларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш” устувор вазифа этиб белгиланди¹. Шу асосда, ёш авлодимизнинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш имконияти янада кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сонли “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори // Халқ сўзи. – Т., 2021. – 19 январь. – Б. 1-2.

амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Талаба-ёшларда лидерлик фазилатларини ривожлантиришнинг педагогик масалалари юзасидан Б. Адизов, Р.Х. Джураев, О. Жамолдинова, Х.И. Ибрагимов, З. Исмаилова, Ш.Қ. Мардонов, У.И. Маҳкамов, М. Махмудова, Н.А. Муслимов, О. Мусурмонова, Н. Ортиқов, Ў.Қ. Толипов, Г.Ж. Туленова, Д.Д. Шарипова, Ш.С. Шарипов, Ш.С. Шодмонова, Н.М. Эгамбердиева, М. Қуранов, Қ.Қ. Қуронбоевлар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган. Шунингдек, Б.С. Абдуллаева, У.Ш. Бегимқулов, Я.У. Исмадияров, Р.Г. Исянов, Х.Ф. Рашидов, Д.И. Рўзиева, Р.Ғ. Сафарова, М.Б. Уразова, Б.Х. Ходжаев, Ф.Р. Юзликаевлар педагогик таълим муассасаси талабаларида ижтимоий фаоллик ва лидерлик салоҳиятларини ривожлантириш масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб боришган.

Мустақил давлатлар ҳам дўстлиги мамлакатларида талабаларда лидерлик сифатларини ривожлантириш Ж.Блондель, И.В. Дрыгина, Н.С. Жеребова, Л.Б. Зубанова, А.Б. Иванова, Р.И. Котрухова, И.И. Логвинов, А. Мурашовларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Европа мамлакатларида талабаларда лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг методик таъминотини яратиш масалалари бўйича E. Bensimon, R. Birnbaum, F. Galton, A. Maslou, K.R. Rodjersлар томонидан изланишлар олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган. (2015-2017 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш компетенцияларини фалсафий, педагогик ва психологик таҳлил этиш;

талабаларда лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг зарур педагогик шарт-шароитлари ва имкониятларини аниқлаш;

талабаларда лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг структуравий-мазмунли моделини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Фарғона давлат университетининг 325 нафар талабалари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик-статистик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

лидерлик сифатларни педагогик дифференциялаш имкониятлари ўқувчиларнинг импровизацияга мойиллик даражасини ўйинли топшириқлар бажариш, ностандарт педагогик вазиятларни ҳамда умумпедагогик талабларни табақалаштириш асосида аниқлаштирилган;

лидер-ташкилотчи, лидер-ижодкор, лидер-дипломат, лидер-курашчи, лидер-юпатувчи талаба типлари касбий лаёқати шахсий муваффақиятларга ишонч, ностандарт педагогик вазиятларни яратиш ва ечиш маҳорати баҳолаш воситалари мажмуининг интенсив ривожланишини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда лидерлик сифатларни ривожлантиришнинг структуравий мазмунли модели касбий тайёргарликнинг инструментал кўникмаларини намоён қилувчи башоратлаш компонентлари функцияларини интегратив мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологияси “Иштирокчи”, “Мураббий”, “Ташкилотчи” каби шахсий сифатларини намоён қилишга қаратилган ўзини ўзи тарбиялашга оид муҳитни яратиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш бўйича педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини баҳолаш тизими такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги хулосаларнинг тажриба ва кузатишларга асосланганлиги ҳамда реаллиги, олинган натижаларнинг экспериментал таҳлилларга таяниб ишлаб чиқилганлиги, талабаларда лидерлик салоҳиятини ривожлантиришга

қаратилган стратегияни белгилашда соҳага оид фундаментал илмий адабиётлар ҳамда тан олинган тажриба усулларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда лидерлик типлари, лидерлик сифатларни табақалаштиришнинг педагогик имкониятлари, талабаларда лидерлик сифатларни ривожлантиришнинг структуравий мазмунли модели такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини баҳолаш тизими ҳамда лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологиясидан лидерлик сифатларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

лидерлик сифатларни табақалаштиришнинг педагогик имкониятлари импровизацияга мойиллик даражасини аниқлашга асосланган ностандарт педагогик вазиятларни ягона синтетик ёндашувларда умумлаштириш орқали аниқлаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-072255/04-сон маълумотномаси).

Натижада, талабаларнинг лидерлик сифатларини ривожлантиришга эришилган талабаларда лидер-ташкilotчи, лидер-ижодкор, лидер-дипломат, лидер-курашчи, лидер-юпатувчи типлари касбий лаёқатни ривожлантириш босқичлари (кучли томонлар таҳлили, шахсий муваффақиятларга ишонч, ирода кучи) ностандарт педагогик вазиятлар яратиш ва ечиш, муоммоли маърузалар, семинарлар, мунозаралар, мастер-класлар утказиш асосида аниқлаштиришга оид таклифлар ИТД-1-53 рақамли “Узлуксиз таълим тизимида бошқарув кадрларини танлаш, тайёрлаш ва ўрнига қўйишга замонавий ёндашувлар” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-072255/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг лидерлик хусусиятларини ривожлантиришнинг моҳияти янада кенгроқ очиб берилган;

талабаларда лидерлик сифатларни ривожлантиришнинг структуравий мазмунли модели касбий тайёргарликнинг инструментал кўникмаларини намоён қилувчи педагогик сифатлар (динамик, коммуникатив)ни ташкил этувчи мезонлари асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Ижтимоий педагогика” дарслиги мазмунига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-072255/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда лидерлик хусусиятларини ривожлантириш мазмуни янги маълумотлар билан бойитилган;

талабаларда лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологияси “Иштирокчи”, “Мураббий”, “Ташкилотчи” сифатларини ривожлантириш функциялари, мезонлари, даражалари ва кўрсаткичлари узаро бирлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-072255/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг лидерлик хусусиятларини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш имкони кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та республика ҳамда 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та (3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 146 саҳифада баён этилган бўлиб, кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети кўрсатилган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогик олий таълим муассасаси талабаларида “лидерлик” тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, лидерлик сифатларини ривожлан-тиришга доир тадқиқот ишларининг моҳияти таҳлили, лидерлик сифатларини таркибий қисмлари, лидерлик сифатларини ривожлантириш-нинг мавжуд ҳолати баён қилинган. Лидерлик ўз илдизлари билан етакчиликка (“lead” – “етаклаш”дан “leadership”) тааллуқли, шунга кўра, етакчи – лидер ҳамда эргашганлар, яъни унга эргашганлар мавжуд. “Педагогика” атамасининг грек тилидан сўзма-сўз таржимаси бизни “бола етаклаш”га олиб келади, ўқув-тарбия жараёнида

ўқитувчининг бошқариш вазифасини ҳамда унинг етакчилик вазиятини таъкидлайди.

Ғарб тадқиқотларида лидерлик ва унинг турли концепциялари дастлаб кичик гуруҳларни эмпирик тадқиқ этиш асосида юзага келган. Мазкур ҳодисани тушуниш фанда раҳбар ва лидерлик каби икки тушунчани қиёслашга асосланган. Бу каби тадқиқотлар Г.К.Ашин, Н.И.Бирюков, Э.Б.Воронова, М.Ю.Федороваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ҳар томонлама таҳлил қилинган. МДҲ илмий мактаби лидерликда раҳбарликдаги расмий асосга зид равишда ўз-ўзидан, табиий, яъни эркин, норасмий асосни ажратган.

Бизнинг фикримизча, лидерликни тушунишга оид назариялар ва илмий ёндашувлар таҳлили олий таълим муассасалари талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш замонавий ўқитувчи олдида қўйилган вазифаларни янада самарали бажаришга кўмаклашади, унинг жамоадаги обрўсининг ифодаси ва бир вақтда ўқитувчининг компетентлиги кўрсаткичи ҳисобланади.

Олий таълим муассасалари талабаларида лидерлик сифатлари ностандарт педагогик вазиятларни ҳал этиш учун эгалланган коммуникатив-ташқилий тажрибадан маҳоратли фойдаланиш ҳамда жамоанинг барча аъзоларини узлуксиз шахсий ўсишлари режимини таъминлаш қобилиятини ўз ичига олади. Ривожланган лидерлик сифатларнинг аҳамиятли тавсифи педагогик касбидаги муваффақиятнинг фаолиятли ташкил этувчиси ҳисобланиб, у иш жараёнида импровизацияга мойиллик ва ижоднинг намоён бўлишида, ўқитувчининг янги роллари ва функцияларига ёндашувда қатъиятлик, обрў ва таълим олувчиларнинг ишончларига сазовор бўлишни билиши, малакасини ошириш истаги ва ўз фаолият соҳасида узлуксиз ривожланишда ифодаланади.

Лидерлик сифатларни педагогик дифференциялаш имкониятлари ўқувчиларнинг импровизацияга мойиллик даражасини ўйинли топшириқлар бажариш, ностандарт педагогик вазиятларни ҳамда умумпедагогик талабларни табақалаштириш асосида аниқлаштирилган.

Талабаларнинг яширин имкониятларини юзага чиқариш муаммосига бағишланган психологик-педагогик тадқиқотлар таҳлили ривожланган касбий сифатларини реал ҳаётий вазиятлар ва стереотиплар доирасидан чиқиш йўли орқали амалга ошириладиган ҳамда ностандарт педагогик вазиятларда ташаббус билан юзага келадиган хулқни шакллантириш омили сифатида ифодалаш имконини берди.

Лидер-ташқилотчи, лидер-ижодкор, лидер-дипломат, лидер-курашчи, лидер-юпатувчи талаба типлари касбий лаёқати шахсий муваффақиятларга ишонч, ностандарт педагогик вазиятларни яратиш ва ечиш маҳорати баҳолаш воситалари мажмуининг интенсив ривожланишини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Талабаларда лидер-ташқилотчи, лидер-ижодкор, лидер-дипломат, лидер-курашчи, лидер-юпатувчи каби лидерлик типлари касбий лаёқатни ривожлантириш босқичлари (кучли томонлар таҳлили, шахсий муваффақиятларга ишонч, ирода кучи) орқали аниқлаштирилган (1-жадвалга қаранг):

Талабаларда лидерлик типлари

№	Лидер типлари	Лидер типларининг мазмун-моҳияти
1	Лидер-ташкilotчи	жамоа эҳтиёжларини ўзиники деб қабул қилади, бу йўналишда фаол иш олиб боради. У оптимист бўлиб қолади, кўпчилик муаммоларни ҳал қилиш имкониятини тушунади, одамларни ишонтира олади, рағбатлантиришга мойил бўлади, бошқа одамларни хафа қилмайдиган тарзда маъқул кўрмасликни ифодалайди. Шу боис одамлар ўз муаммоларини ҳал этиш устида самарали ишлашдан манфаатдор
2	Лидер-ижодкор	у тарафдорларини жалб қилиш имконини берувчи янги нарсаларни пайқай олади. Бошқаларга очилмайдиган, ҳатто хавфли кўринадиган муаммоларни ҳал қилади. Вазифа ўзига жалб қиладиган ва қизиқадиган тарзда белгиланиши мумкин
3	Лидер-дипломат	кучли иродага эга. Ноаниқлик ёки хавф туғилганда биринчи бўлиб, ўз қобилиятларига ишонч билан, иккиланмасдан кураша бошлайди. Мен ишонган нарсам учун туриб охиригача курашишга мойилман. Ҳаракатлар ўз-ўзидан бўлиши мумкин, шунинг учун олинган ҳаракатлар вақт етишмаслиги туфайли ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди
4	Лидер-курашчи	у ҳар доим хабардор мутахассис, мукамал вазият ва бизнесга йўналтирилган. Бошқалар ошкор тобе бўлмаган режаларингиздан чалғитиш учун билганларини очик айтишга имкон беради
5	Лидер-юпатувчи	қийин пайтда қўллаб-қувватлашга тайёр, фойдали, одамларни ҳурмат қилади, уларга меҳр билан муносабатда бўлади, ҳамдард бўлади

Ҳозирги кунга келиб, лидерлик сифати назарияси янги фикрлар билан бойитилмоқда, бунинг қатор сабабларини шахс психологияси соҳасида янги кашфиётларнинг амалга ошаётгани, шахс хусусиятлари беш омилли моделининг ишлаб чиқилгани; турли мезонларга, жумладан, гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларига кўра, лидер шахсини табақалаштиришни амалга оширишга қаратилган янги методологик ёндашувларнинг юзага келгани кабилар билан изоҳлаш мумкин.

Асосий концепцияларни ягона синтетик ёндашувда умумлаштириш доирасида 1952 йилда Г.Герт ва Б.Милзларнинг фикрларига кўра, лидерлик ҳодисасини кўриб чиқишда эътиборга олиш зарур бўлган тўрт омилни ажратадилар: 1) инсон сифатида лидернинг сифатлари ва мотивлари; 2) лидернинг ортидан эргашишга ундайдиган унинг издошлари онгидаги мавжуд лидер қиёфаси ва мотивлари; 3) лидер ролининг тавсифлари; 4) институционал

контекст, яъни лидер ишлайдиган ва у ҳамда унинг издошлари жалб этилган расмий ва ҳуқуқий параметрлар.

Ажратилган омиллар инсоннинг шахсий сифатларини, гуруҳли ўзаро муносабатлар ва вазият хусусиятларини ҳисобга олишнинг аҳамияти ва заруратини кўрсатади. Лидерлик ҳодисасига турли-туман ёндашувларнинг миқдори, унинг мураккаб табиатини тасдиқлайди, талабаларда лидерлик сифатларини ривожлантириш жараёнини воситалар ва методлар мажмуи ёрдамида лидерлик тушунчасига киритиладиган маъноларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб қарашга асос бўлади. Ушбу тадқиқотимиз доирасида синтетик назария энг яхлит ва тўлиқ бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида талабаларда лидерлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган компетенцияларнинг коммуникатив, ташкилий ва инструментал каби уч гуруҳи ажратилди.

Коммуникатив компетенциялар гуруҳи қуйидагилардан иборат: “оғзаки ва ёзма нутқни мантиқий тўғри қуриш қобилияти”; “оммавий нутқ, мунозара ва полемика олиб бориш қўникмаларидан фойдаланиш қобилияти”; “нутқи касбий маданият асосларини эгаллаганлик”; “ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар, ижтимоий шериклар билан ўзаро алоқаларга тайёрлик”.

Ташкилий компетенциялар гуруҳи қуйидагилардан иборат: “таълим олувчиларнинг ижтимоийлашувлари ва касбий ўз-ўзларини аниқлашлари, уларни касбни онгли танлашга тайёрлаш жараёнларига педагогик кўмакни амалга ошириш қобилияти”; “ўқув фаолиятининг универсал кўринишларини шакллантириш ва ўқув-тарбия жараёнининг сифатини таъминлаш учун таълим муҳитининг имкониятларидан фойдаланиш қобилияти”; “таълим олувчиларнинг ҳамкорликларини, таълим олувчиларнинг фаоллик ва ташаббускорликлари, мустақилликларини, уларнинг ижодий қобилиятларини ташкил этиш қобилияти”.

Инструментал (воситавий) компетенциялар гуруҳи қуйидагилардан ташкил топади: “мақсадни белгилаш ва унга эришиш йўллари танлаш қобилияти”; “ижтимоий ва маданий фарқларни толерант қабул қилишга, тарихий меросга ҳамда маданий анъаналарга ҳурмат билан ва эҳтиёткорона муносабатга тайёрлик”; “таълим олувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш қобилияти”; “ўзининг бўлажак касбининг ижтимоий аҳамиятини англаш, касбий фаолиятни амалга оширишга мотивацияга эгалик”; “ўз касбий фаолияти натижалари учун масъулиятли бўлиш қобилияти”; “таълим жараёни, тарбия ва шахс ривожланиши хусусиятларини инобатга олган ҳолда, замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш қобилияти”.

Ривожланган лидерлик сифатлари олий таълим муассасаси талабаларида ҳулқидаги ўзига ишонч ва масъулият, ўз ортидан тарбияланувчиларни эргаштира олиш қобилиятининг асосига айланади. Ўқитувчининг компетентлиги ва раҳбарлик функциясини амалга ошириш ҳам педагогик фаолиятни амалга ошириш самарадорлигини сезиларли оширувчи лидерлик сифатларни ривожлантиришга боғлиқ.

Диссертациянинг “Олий таълим муассасасида талабаларнинг лидерлик сифатларини ривожлантириш технологияси” деб номланган иккинчи бобда олий таълим муассаси талабаларида лидерлик сифатларни ривожлантиришнинг структуравий-мазмунли модели ҳамда ривожлантириш технологияси ёритилган. Олий таълим муассасаси талабаларининг лидерлик сифатларини ривожлантириш тизимлилик, узлуксизлик, фаоллик, фаолият принципларига таянади. Тизимлилик ривожланиш жараёни барча элементларининг, яъни модель босқичлари “Иштирокчи”, “Мураббий”, “Ташкилотчи” ролли вазиятларининг мантикий ўзаро алоқаси, ўзаро тўлдирилиши ва боғлиқлигини таъминлайди. Узлуксизлик таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро сингдирувчи хусусияти, тайёргарликнинг назарий ва амалий жиҳатлари интеграциясини назарда тутди. Бир ролдан бошқасига бир маромда ўтиш (“Иштирокчи”, “Мураббий”, “Ташкилотчи”) моделнинг барча босқичлари узлуксизлигига боғлиқ бўлиб, бу лидерлик сифатлари ривожланиши жараёнининг босқичли, жамланувчи ва узлуксизлигини таъминлайди.

Талабаларда лидерлик сифатларини профессионал фаолиятининг ажралмас қисми сифатида тушунишни тақозо этади ва талабалар билан ишлаш бўйича махсус модель ишлаб чиқишни талаб қилади. Модель олий таълим муассаси талабаларида лидерлик сифатларни ривожлантириш тизимини ташкил этиш ва бошқариш учун андоза сифатида хизмат қилиши мумкин.

Талабаларда лидерлик сифатларни ривожлантиришнинг структуравий мазмунли модели касбий тайёргарликнинг инструментал кўникмаларини намоён қилувчи башоратлаш компонентлари функцияларини интегратив мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Лидерлик сифатларини ривожланиши жараёни куйидаги функцияларни бажаради:

тарбиявий функция – лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг оптимал шароитларини яратиш учун олий таълим муассасаси тарбиявий муҳити имкониятларидан фойдаланишни таъминлайди;

касбий функция – касбий билим ва кўникмалар, балки ёш ўқитувчининг педагогик вазифаларни самарали амалга ошириши учун муҳим бўлган салоҳиятлар ётувчи педагогик компетентликни шакллантиришга жавоб беради;

мослашувчан функция – ностандарт вазиятларда мустақил ижодий қарорларни қабул қилишни рағбатлантириш орқали бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятдаги муваффақиятини таъминлайди.

Талабаларда лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологияси “Иштирокчи”, “Мураббий”, “Ташкилотчи” каби шахсий сифатларини намоён қилишга қаратилган ўзини ўзи тарбиялашга оид муҳитни яратиш асосида такомиллаштирилган.

Лидер талабанинг ривожланиши мазмунли блок вазифаларини ҳал этишга ролли вазиятларни (“Иштирокчи”, “Мураббий”, “Ташкилотчи”) босқичма-босқич ўтишга йўналтирилган “Лидерликнинг уч босқичи” муаллифлик дастурини амалга ошириш жараёнида ижтимоий ва шахсий аҳамиятли фаолиятда содир бўлади (1-расмга қаранг).

Мақсад: ОТМ талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантириш

Вазифалар

ОТМда ўзаро муносабатлар жараёнида коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш

Касбий фаолият учун аҳамиятли бўлган компетенцияларни шакллантириш

Ностандарт вазифаларни ҳал этиш учун воситавий компетенцияларни ривожлантириш

Тамойиллар: тизимлилик, узвийлик, фаоллик, илмийлик

Методлар: талабаларнинг фаоллигини оширувчи семинар, мастер-класс дарслари, тренинглар, ялпи йиғилишлар, ўйинлар, талабалар кенгаши ва ОТМ лойиҳалари ишида иштирок этиш

Мазмун:

1. Лидерлик сифатларини моҳияти ва вазифасини аниқлаш.
2. Талабаларнинг лидерлик сифатини ривожлантиришга доир асосий ёндашувларни ўрганиш.
3. ОТМда ўзаро муносабат жараёнида коммуникатив компетенцияларни ўзлаштириш.
4. Касбий фаолиятида аҳамиятли бўлган лидернинг ташкилий компетенцияларини шакллантириш.
5. Касбий компетенциялар асосида ностандарт вазиятларда лидерлик услубини яратиш бўйича мустақил ижодий фаолиятни фаоллаштириш

Лидерлик сифатларини ривожланиш даражалари

Паст
“Мен-ҳақиқий”, “Мен-идеал”ни қиёслаш,
“Мен образи”ни қуриш


Ўрта
“Мен-образи” ва “Мен-идеал”ни боғлаш

Юқори
“Мен образи”, “Мен-ҳақиқий” ва “Мен-идеал” мувозанати

Натижа: олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатлари ривожланган

1-расм. Олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантиришнинг структуравий-мазмунли модели

Лидерликка сифатларни ривожлантириш узоқ давом этадиган жараён, бўлиб, у қуйидаги босқичларда амалга оширилади (2-расмга қаранг):



2-расм. Талабаларда лидерлик сифатларини ривожлантириш бошқичлари

Муваффақиятли рефлексияси амалга оширилган тажриба талабанинг ностандарт педагогик вазиятларни ҳал этиш кўникмаларини таъминлайди, шаклланган компетенциялар эса, касбий компетентликда аҳамиятли роль ўйнайди. *Биринчи бошқич* (“Иштирокчи” роли) мулоқотчанликнинг ва топширилган вазифа учун масъулиятни қабул қилиш қобилияти ривожланиши билан белгиланади. Мазкур ўзгаришларни қайта англаш асосида шахс структурасида “Мен-ҳақиқий”ни “Мен-идеал” билан таққослаш ва идеалнинг сифатларини индивидуал тарзда “Мен-образи”да ифодалаш содир бўлади. Бунинг натижасида талабанинг педагогик фаолият жараёнида импровизацияга ва ижодни намоён этишга мойиллиги ҳисобланади. Дастур иштирокчисининг ўз шахсий тузилмасини англаши К.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган мос бўлган шахс моделига асосланди. Маъруза ва семинарлардаги педагогик иш лидерликнинг асосий масалалари, мақсадни белгилаш, ижобий мотивацион установка – ҳаётда ва касбда лидерлик сифатлари ривожланишининг аҳамияти бўйича билимларни эгаллашни назарда тутди. Мазкур мазмунли вазифа таълим ва тарбиянинг интеграцияси, лидерлик сифатларининг ҳаёт фаолиятининг турли жараёнларида замонавий инсоннинг муваффақиятлилиги ва унинг компетентлигининг алоқасини кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Муаммоли маърузалар ва семинарлар, мунозаралар, конференциялар, мастер-класслар ва “Талабалар ўз-ўзини бошқариши”, “Ёшлар орасида лидерлик”, “Лидерлик сифатларининг ривожланиши муаммолари ва ўқитувчининг касбий фаолиятидаги фаол ҳаётий позицияси” мавзулари бўйича давра суҳбатлари каби методлардан фойдаланилади. Шахсий ўсиш психологик тренинглари: кичик гуруҳларда танишишга, жамоаларни ҳосил қилиш ва ҳамжиҳатликка, лидерлик сифатларининг намоён бўлишига мулоқотчанликнинг ривожланиши ва ташкилий

кўникмаларни ўзлаштиришга, шунингдек, топширилган жамоавий ишда ўзига масъулиятни олиш қобилиятига кўмаклашади. Дидактик, ишбилармонлик ва ролли ўйинлар шахсий тузилмаларни боғлаш учун зарурий шароитларни яратади. Иккинчи босқичда (“Мураббий” роли) жамоада ишлаш кўникмалари, умумий мақсадни шакллантириш ва унга эришишнинг жамоавий йўллари ишлаб чиқиш қобилияти ривожланади. Мазкур босқич учун хос бўлган, бўлажак ўқитувчи шахси структурасидаги ўзгаришларнинг ифодаси “Мен-образи” ва “Мен-идеал”ни боғлаш ҳисобланиб, бу касбий компетентликка илгарилаб ўтишнинг самарадорлигини ифодалайди. Мазкур босқичда талабада жамоанинг ҳамкорликдаги аъзоси сифатларининг ва жамоавий муваффақиятга эришишга интилишлар шаклланишига кўмаклашади. Ушбу мақсадда кичик гуруҳларда ишлаш, унда ўзаро муносабатларни ўрнатиш, шунингдек, касбий мақсадни белгилаш ва нафақат шахсий, балки бутун гуруҳнинг муваффақиятга эришиши мотивациясини шакллантиришга эътибор қаратилади. Мазкур босқичда кичик гуруҳни бошқариш жараёнида, умуман, унинг алоҳида иштирокчиларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш қобилияти, ностандарт педагогик вазифаларни ечиш самарадорлиги, шунингдек, педагогик фаолиятда янги роллар ва функцияларга қатъий ёндашувларда намоён бўлувчи ижодий фикрлаш асоси сифатида педагогик рефлексия шаклланади. Иккинчи босқичда “Ёшлар муҳитида лидерлик” мавзуси бўйича мунозаралар, давра суҳбатлари ва мастер-класслар қўлланилди. Ўйинлар ва тренинглари бошқаларни жамоавий муваффақиятга мотивациялаш қобилиятини шакллантириш, жамоа ҳосил қилиш ва жамоада ҳамжиҳатликни таъминлаш кўникмасини ишлаб чиқишга йўналтирилган. Аудитория ва аудиториядан ташқари ишларда вазиятларни моделлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, лойиҳалар ва жамоавий ижодий ишлаш методи талабага ўзида педагог ролини синаб кўриш ва ижодкорликни ривожлантириш имконини тақдим этади. Лидерлик сифатларни ривожланишининг учинчи босқичи (“Ташкилотчи” роли) қуйидаги шахсий ҳосилалар билан тавсифланади: нотиклик ва коммуникатив кўникмалар шаклланади, бу эса, жамоани бошқаришда муваффақиятлиликнинг шаклланишига кўмаклашади. Бу ўзгаришлар ўз-ўзига баҳонинг ошишига кўмаклашади ва шу билан бирга, етарли тажрибани эгаллашдан кўра идеалга яқинлашишга ва “Мен-ҳақиқий”, “Мен-идеал” ва “Мен-образи” ўртасидаги мувозанатни топишга имкон беради. Ностандарт вазиятларда касбий компетенцияларни амалга ошириш қобилиятида ифодаланувчи педагогик фаолиятга мотивация ва йўналганлик мустаҳкамланади. Талабаларнинг учинчи босқични ўтишлари жараёнида ижтимоий-педагогик вазифаларни ҳал этиш восита ва усуллариининг альтернатив излаш қобилиятини шакллантириш, ўз хатти-ҳаракатлари натижаларини башоратлашга эътибор қаратилади. Ташкилий ва коммуникатив кўникмалар ривожланади ва катта гуруҳлар билан, жумладан, ностандарт вазиятларда ўзаро муносабатларда мос компетенциялар актуаллашади. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижасида, бўлажак ўқитувчиларда, ўз хулқини англаш, креатив танловни талаб этувчи вазиятларни тушуниш қобилияти шаклланади. Педагогика назариясида ва амалиётида лидерликни педагогик қўллаб-қувватлашнинг ижобий тажрибаси тўпланган: А.С.Макаренко (“истикболли йўналишлар тизими”), В.А.Сухомлинский (масъулият ҳиссини

тарбиялаш методлари), И.П.Иванов (жамоавий ижодий иш), ёзги йиғимлар, ихтисослик клублари ва фаоллик мактаблари, талабаларнинг ўз-ўзларини бошқаришлари. Структуравий-мазмунли моделга таяниб, тадқиқот мақсадига эришиш учун талабаларнинг лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди, унинг асосий мазмуни олий таълим муассасаси тарбиявий муҳитида амалга оширилган “Лидерликнинг уч босқичи” муаллифлик дастурида акс этди. Технология яхлит инструментал тўпламни ифодалайди: режалаштириш, моделлаштириш, амалга ошириш ва диагностика.

Диссертациянинг “Олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларини ривожлантиришда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишлар мазмуни ва унинг натижалари келтирилган. Методик адабиётлар таҳлили ва жараёни моделлаштириш юзасидан олиб борилган изланишлар лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологияси ва “Лидерликнинг уч босқичи” номли муаллифлик дастурини синовдан ўтказишга шароит яратди. Мавзу доирасида Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти ҳамда Фарғона давлат университети талабалари билан тажриба-синов ишлари ташкил этилди. Тажриба-синов ишларида жами 325 нафар талабалар иштирок этдилар.

Таъкидловчи тажриба-синов ишлари босқичида тажриба гуруҳида ҳам, назорат гуруҳида ҳам лидерлик сифатлари ривожланганлигининг паст даражаси аниқланди (2-жадвалга қаранг):

2-жадвал

**Таъкидловчи тажриба-синов босқичида
лидерлик сифатларининг ривожланганлик даражаси**

Мезон Компоненти	ОТМ	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Сони	Юқори	Ўрта	Қуйи	Сони	Юқори	Ўрта	Қуйи
			5	4	3		5	4	3
Коммуникатив компетенциялар	ТДПУ	58	4	10	44	54	4	8	42
	ЖДПИ	54	3	11	40	52	4	8	40
	ФарДУ	55	4	10	41	52	5	7	40
	Жами	167	11	31	125	158	13	23	122
Ташкилий компетенциялар	ТДПУ	58	5	10	43	54	4	11	39
	ЖДПИ	54	4	11	39	52	5	9	38
	ФарДУ	55	4	12	39	52	5	10	37
	Жами	167	13	33	121	158	14	30	114
Инструментал компетенциялар	ТДПУ	58	6	11	41	54	6	10	38
	ЖДПИ	54	4	12	38	52	5	9	38
	ФарДУ	55	5	11	39	52	4	11	37
	Жами	167	15	34	118	158	15	30	113

Дастур иштирокчиларида коммуникатив компетенциялар шаклланганлигининг ижобий натижалари сифатида уларнинг мулоқотчанликлари, тинглаш ва эшитиш кўникмалари, ўз фикрларини асослаш, турли аудиториялар олдида нутқ сўзлаш, новербал маълумот алмашишни самарали ташкил этиш, шунингдек, инсонлар билан ўзаро алоқалар стратегияси, тактикасини ишлаб чиқиш, маълум ижтимоий аҳамиятли мақсадларга эришиш учун ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш кўникмалари эътиборга олинди (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал

**Шакллантирувчи тажриба-синов якунида
лидерлик сифатларининг ривожланганлик даражаси**

Мезон компоненти	ОТМ	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Сони	Юқори	Ўрта	Қуйи	Сони	Юқори	Ўрта	Қуйи
			5	4	3		5	4	3
Коммуникатив компетенциялар	ТДПУ	58	9	31	18	54	5	9	40
	ЖДПИ	54	8	30	16	52	5	10	37
	ФарДУ	55	9	27	19	52	5	8	39
	Жами	167	26	88	53	158	15	27	116
Ташкилий компетенциялар	ТДПУ	58	11	34	13	54	5	12	37
	ЖДПИ	54	10	30	14	52	5	11	36
	ФарДУ	55	11	31	13	52	5	12	35
	Жами	167	32	95	40	158	15	35	108
Инструментал компетенциялар	ТДПУ	58	12	35	11	54	6	12	36
	ЖДПИ	54	11	33	10	52	6	12	34
	ФарДУ	55	11	34	10	52	5	12	35
	Жами	167	34	102	31	158	17	36	105

Инсоннинг лидер бўлиш қобилияти кўп жиҳатдан унда ташкилий компетенциялар ривожланганлигига боғлиқ бўлиб, дастурда иштирок этиш бунга ижобий таъсир кўрсатди. Танланган методика бўйича мақсадга эришишдаги тўсиқларни енгиш, нафақат ўз муваффақиятлари, балки муваффақиятсизликлари, оқилона таваккал қилиш, ҳатто ортиқча юклама шароитларида ҳам мустақил ва эркин ишлаш, бир хилдаги, қизиқарли бўлмаган ишни узоқ вақт ва яхши бажаришга тайёргарлик, янги шароитлар ва талабларга яхши мослашиш қобилиятларининг ифодаланиши даражалари белгиланади.

Инсоннинг лидер бўлиш қобилияти, кўп жиҳатдан, унда ташкилий компетенциялар ривожланганлигига боғлиқ бўлиб, дастурда иштирок этиш бунга ижобий таъсир кўрсатди. Танланган методика бўйича мақсадга эришишдаги тўсиқларни енгиш, нафақат ўз муваффақиятлари, балки

муваффақиятсизликлари, оқилона таваккал қилиш, ҳатто ортиқча юклама шароитларида ҳам мустақил ва эркин ишлаш, бир хилдаги, қизиқарли бўлмаган ишни узоқ вақт ва яхши бажаришга тайёргарлик, янги шароитлар ва талабларга яхши мослашиш қобилиятларининг ифодаланиши даражалари белгиланади.

Талабаларнинг шахслараро муносабатларда ташкилий ва коммуникатив сифатларнинг ифодаланишига доир тест-сўровномаси шахс хусусиятларининг ифодаланиш даражалари саккизта психологик ҳолатлар бўйича аниқланади. Қайсидир ҳолатларнинг устунлиги у ёки бу лидерлик турининг устунлигини ифодалайди.

Доминантлик – раҳбарликка мойиллик, лидерлик. Бу тур мустақилликка интилиш, ўз зиммасига масъулиятни олиш, бошқариш истагини акс эттиради. Мағрур лидер тури деб ҳам номланади. Ўзига ишонч ташкил этилган. Лидерликнинг бу тури нафақат ўзига ишончни, балки ишбилармонлик, ўзига ишонч, ўзини севиш ҳаддан ортиқ ифодаланишида худбинлик ва кўполлик каби характер хусусиятларини ифодалайди. Худбин ва шуҳратпараст лидер тури саналади.

Консервативлик – енгилмаслик, ирода, қатъиятлилик. Асабийлик, танқидийлик, ҳамкорнинг хатолигига сабрли бўлмаслик каби сифатларни баҳолашга имкон беради. Мазкур ҳолатнинг ҳаддан ташқари ифодаси масхара қилиш ва қайсарликда намоён бўлиши мумкин. Авторитар лидер тури.

Скептиклик – эркинлик, бегоналашганлик, қайсарлик, негативизм, совуқлик, мулоқотда узоқлашишни ифодалайди. Ишонмаслик, шубҳалилик, рашкчилик, хафагарчилик, қасоскорликни тавсифлайди. Муваффақиятсиз салбий лидер.

Ён берувчи – бўйсунувчанлик, мослашолмаслик, мулойимлик, пассив бўйсундириш. Ташаббуссиз лидер тури.

Қарамлилик – ўзига ишонмаслик, етук эмаслик, номустақиллик. Ишонувчанлик, итоаткорлик, қарамлик. Ҳурматлилик, миннатдорлик, ҳамкорига хурсандчилик келтиришга интилиш каби шахс сифатларини баҳолайди. Устун бўлмаган лидерлик тури.


Конформизм – мулоқотчанлик, киришимлилик, атрофдагилар фикрини инобатга олувчи. Ўзаро ёрдам, хайрихоҳлик, эътиборлилик, демократизм каби қобилиятларни тавсифлайди. Умумий жамоага йўналган демократик лидер тури.

Ҳозиржавоблик – альтруизм, беғаразлик, қурбонлик, эҳтиёткорлик, мулойимлик, камчиликларга сабрлилик, кечиримлиликни акс эттиради. Муайян гуруҳга йўналтирилган демократик лидерлик тури. Педагогик касби учун ижобий натижа “ҳозиржавоблик” ҳолатининг устуворлиги ҳисобланади, чунки ўқитувчи жамоа билан ишлайди ва унга нисбатан ўз хулқи йўналишини қуриши керак. Лидер ўқитувчи учун ўзининг тавсифлари бўйича, шунингдек, “ўзига ишонч”, “доминантлик” ва “конформизм” хизмат қилади. Тажриба-синов бошида барча вазиятлар бўйича натижаларнинг тарқалганлиги ва “консерватизм”, “скептиклик”, “ён бериш” ва “қарамлик” ҳолатларининг устуворлиги кузатилди, бу эса, ҳақиқий лидерлар учун хос эмас ёки уларнинг салбий томонларини кўрсатади (4-жадвалга қаранг):

Лидер турлари ва уларнинг вазифалари

№	Лидер тури	Лидер турининг вазифалари	Лидер турининг номланиши
1	Доминантлик	рахбарликка мойиллик, лидерлик. Бу тур мустақилликка интилиш, ўз зиммасига масъулиятни олиш, бошқариш истагини акс эттиради	мағрур лидер
2	Ўзига ишонч	Ўзига ишончни, балки ишбилармонлик, ўзига ишонч, ўзини севиш ҳаддан ортиқ ифодаланишида худбинлик ва қўполлик каби характер хусусиятларини ифодалайди	худбин ва шуҳратпараст лидер
3	Консервативлик	асабийлик, танқидийлик, ҳамкорнинг хатоларига сабрли бўлмаслик каби сифатларни баҳолашга имкон беради. Мазкур ҳолатнинг ҳаддан ташқари ифодаси масҳара қилиш ва қайсарликда намоён бўлиши мумкин	авторитар лидер
4	Скептиклик	ишонмаслик, шубҳалилик, рашкчилик, хафагарчилик, қасоскорликни тавсифлайди	муваффақиятсиз салбий лидер
5	ён берувчи	бўйсунувчанлик, мослашолмаслик, мулойимлик, пассив бўйсундириш	ташаббуссиз лидер
6	Қарамлилик	Ўзига ишонмаслик, етук эмаслик, номустақиллик. Ишонувчанлик, итоаткорлик, қарамлик. Ҳурматлилик, миннатдорлик, ҳамкорига хурсандчилик келтиришга интилиш каби шахс сифатларини баҳолайди	устун бўлмаган лидерлик
7	Конформизм	мулоқотчанлик, киришимлилик, атрофдагилар фикрини инобатга олувчи. Ўзаро ёрдам, хайрихоҳлик, эътиборлилик, демократизм каби қобилиятларни тавсифлайди	умумий жамоага йўналган демократик лидер
8	Ҳозиржавоблик	альтруизм, беғаразлик, қурбонлик, эҳтиёткорлик, мулойимлик, камчиликларга сабрлилик, кечиримлиликни акс эттиради	демократик лидерлик тури

Тажриба-синов якунида лидер ўқитувчи учун зарур ҳисобланган устувор ҳолатларнинг ижобий ўзгариши 46 нафар талабаларда аниқланди. Бундан ташқари, методика “Мен-ҳақиқий” ва “Мен-идеал” ўртасидаги баҳонинг фарқларини аниқлайди, шунингдек, шакллантирувчи тажриба-синов ўтказилганидан кейинги ижобий ўзгаришлар кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Дастурни амалга оширишдан сўнг респондентларда учта “Мен-образлари”ни боғлаш ва таққослаш содир бўлди, кўпчиликда уларнинг мувозанати кузатилди. Ўтказилган тажриба-синов ишларидан талабаларда лидерлик сифатларининг ривожланиш динамикаси (самарадорлик кўрсаткичи) умумлаштирилган ҳолда қуйидаги диаграммада келтирилди (3-расмга қаранг):



3-расм. Талабаларда лидерлик сифатларининг ривожланиш динамикаси

Ушбу диаграммадан ва юқорида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот ишининг самарадорлиги ўртача 17% га юқори эканлиги статистик мезонлар орқали исботланди.

ХУЛОСА

“Олий таълим муассасаси талабаларида лидерлик сифатларни ривожлантириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктор (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Таълимни модернизациялаш жараёнидаги педагогик фаолиятда муваффақиятга эришиш педагогик олий таълим муассасаси талабасини тайёрлашнинг, педагогик салоҳият сифатида белгиланадиган шахснинг потенциал имкониятларига, унинг ички ресурсларига асосланган янги модель ишлаб чиқишни тақозо этиши аниқланди.

2. Олий таълим муассасаси талабасининг лидерлик сифатлари ностандарт педагогик вазиятларни ҳал этиш учун эгалланган коммуникатив-ташкилий тажрибадан маҳоратли фойдаланиш ҳамда талабалар жамоаси барча аъзоларининг узлуксиз шахсий ўсишлари режимини таъминлаш қобилиятидир.

3. Касбий тайёргарлик жараёнида олий таълим муассасаси талабасининг лидерлик сифатларини ривожлантириш стратегияси, модели ва технологиясини ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж аниқланди.

4. Олий таълим муассасаси талабасининг лидерлик сифатларини ривожлантириш учун махсус ташкил этилган тарбиявий муҳити имкониятларини ривожлантиришнинг моҳиятли ДТСда белгиланган коммуникатив, ташкилий ва инструментал компетенциялар асосида шакилланганлиги аниқланди.

5. Олий таълим муассасаси муҳотида амалга ошириладиган учта ўзаро боғлиқ компонентлардан ташкил топган лидерлик сифатларни ривожлантиришнинг структуравий-мазмунли модели такомиллаштирилди. Мақсадли компонент лидерлик сифати ривожланиши жараёнининг мақсад, вазифалари, тамойиллар ва функцияларини бирлаштиради. Мазмунли-жараёнли компонентлар ўз ичига иш мазмуни, методлари ва шаклларини киритиб, бўлажак ўқитувчиларнинг босқичли ролли вазиятлар тизимидан ўтишларини таъминлайди. Назорат-диагностик компонент талабада лидерлик сифати ривожланиши мезони, кўрсаткичлари ва даражаларини назарда тутди.

6. Структуравий-мазмунли модель асосида лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилди. Талаба ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олади, касбий соҳага аста-секин кириб боришга кўмаклашади, даражали диагностикани таъминлаб лидерлик сифати ривожланиши жараёнининг ихтиёрий босқичида унинг мониторинги ва коррекцияси имконини беради.

7. Талабаларнинг лидерлик сифатларини босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган “Лидерликнинг уч босқичи” муаллифлик дастури ишлаб чиқилди. Биринчи босқичда талаба “Иштирокчи” ролидан ўтиб ижод жараёнида намоён бўлувчи коммуникация ва жамоавий иш бошланғич малакаларини эгаллайди. Иккинчи босқичда “Мураббий” ролида талабада жамоага муваффақиятли раҳбарлик кўникмалари ва гуруҳли мақсадларни белгилаш ва эришиш қобилиятлари шаклланади, талабанинг ўзини ўқитувчи ва устоз ролида англаши содир бўлади. Учинчи босқич “Ташкилотчи” роли педагогик касбга йўналганликни мустаҳкамлаб, ўз-ўзини ташкил этиш ва жамоани ташкил этиш малакаларини шакллантириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.01.2020. Ped. 26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КОДИРОВ ХАСАНБОЙ ОРИБЖОНОВИЧ

**РАЗВИТИЕ ЛИДЕРСКИХ КАЧЕСТВ У СТУДЕНТОВ
ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК
(PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.4.PhD/Ped1157.

Докторская диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Аннотация диссертации доступна на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на сайте Ученого совета – www.tdpu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» – www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
доктор педагогических наук, профессор

Исакулова Нилуфар Жаникуловна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «24» XII 2021 года в 8:00 часов на заседании Научного совета DS.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован по адресу 1452). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «3» XII 2021 года.
(протокол реестра под номером 13 от «XII» 41 2021).

М.Э. Хайдаров
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

Р.Т. Исинов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.А. Муслимов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Формирование лидерских качеств студентов и развитие их инновационных, творческих, профессиональных и личностных качеств внедряется в образовательный процесс ведущих вузов мира. В частности, развитие лидерских качеств у будущих преподавателей стало одним из наиболее актуальных вопросов в сфере развития лидерских качеств у студентов, реализации образовательного контента на основе инновационных подходов, оптимизации моделей высоко компетентной, конкурентоспособной подготовки кадров в соответствии с требованиями цифровой экономики.

В ведущих мировых исследовательских институтах проводится ряд научных исследований по совершенствованию механизмов развития лидерских типов у студентов, развитию лидерских качеств, совершенствованию компетенций. Расширение педагогических и психологических возможностей для развития профессионального потенциала будущих сотрудников, исследования по формированию у студентов лидерских качеств стали важной задачей в определении путей развития высших образовательных учреждений.

В системе образования нашего государства в последние годы создаются нормативные основы рассмотрения лидерских качеств студентов как неотъемлемой части профессиональной деятельности, совершенствования моделей развития лидерских качеств. «Повышение социальной активности молодежи, организация эффективной деятельности органов государственной власти, образовательных учреждений, молодежных и других организаций в реализации государственной молодежной политики»² определено как приоритетное направление. На этой основе появляется возможность укрепить гражданскую позицию и активность нашего молодого поколения, воспитать их как разносторонних личностей, овладевших современными знаниями и профессиями, самостоятельно мыслящих, способных соревноваться на международной арене.

